

«Hilol Nashr» нашриётига Индонезия делегацияси ташриф буюрди



20:18 / 07.12.2023 996

2023 йил 7 декабрь куни пойтахтимизга **Индонезия** уламолар кенгашининг **Жанубий Сулавеси** провинцияси бўлинмаси раҳбари **Ҳожи Нажмиддин** бошчилигидаги делегация аъзолари ташриф буюришди.

Юртимиздаги азиз меҳмонлар зиёратлари давомида фазилатли **шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф** роҳимаҳуллоҳ томонидан асос солинган «**Hilol Nashr**» матбаа-нашриётининг бош дўконига ҳам келишди. Делегация аъзоларини нашриёт раҳбари **Исмоилжон домла Муҳаммад Юсуф** кутиб олдилар.

Учрашув асносида меҳмонлар бу ердаги диний-маърифий, адабий-бадий асарлар билан яқиндан танишиб чиқдилар. Хусусан, «**Тафсири Ҳилол**», «**Олтин силсила**» асарлари ҳамда бошқа китобларни кўздан кечирдилар. Ташриф жараёнида Исмоилжон домла меҳмонларга фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи «**Исломга бағишланган умр**» ҳужжатли фильм

хақида маълумотлар бериб ўтдилар.

Учрашув сўнгида азиз меҳмонларга нашриётда чоп қилинган китоблар ҳадя қилинди.

